

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон
қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт,
филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик
диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия
этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

**2022-5-2
Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Хива-2022

Бахриев О.А. Фаранги маҳаллийнинг ёш алломаси	138
Бўтаев Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилояти пахтачилик хўжалиги тўғрисида мулоҳазалар	140
Давронов А.Н. Ўзбекистонда ҳарбий-билим юртлар тарихи	143
Зарипов О.О. Туркистонни бошқариш тўғрисидаги 1886 йилги низомнинг ўлқадаги ВАҚФ ерларига таъсири	146
Икрамов Ш.Н. Наврӯз байрамининг тарихий илдизлари	149
Канимкулов О.Ш. Забардаст олимнинг ибрат мактаби	151
Карабаев О.Р. Коррупцияга оид жиноятларга қарши курашишда терговчи ва тезкор ходимларнинг ўзаро хамкорлиги	155
Навruzov С., Оллабергенова Р., Рўзметова Р. Шарқшунос Куннинг Хивадаги этнографик тадқиқотлари	159
Орзиев М.З. Рус-инглиз келишувининг Афғонистон ижтимоий-сиёсий ҳаётига таъсири	162
Рашидов О.Р. Ўзбекистон ҳудудида миллий зиёлилар ва большевиклар ўртасидаги мафкуравий курашнинг назарий асослари	165
Суюнов С.С. Гузор туманининг сугорилиш тарихи тўғрисида	169
Тўхтаева Р.Н. XX асрнинг 60-80 йилларида Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт	178
Утепбергенова А.К., Кудайбергенов Н.П. Фуқаролик жамиятида оммавий ахборот васиталарининг ўрни	180
ТЕХНИКА ФАНЛАРИ	
Ишмуратов Х.К., Исакбаев Б.А., Жўраев З.Х. Зависимость контактных напряжений шестерни и колеса от величины модуля	184
Камалова М.Б., Аманова З.М. Гўштдан тайёрланган “деликатес” таомлар технологиясининг таҳлили	186
Камалова М.Б., Аманова З.М., Адизов Р.Т. Исследование безопасности пищевых продуктов	189
Камалова М.Б., Аманова З.М., Азимов У.Н. Анализ и оценка влияния адсорбентов при очистки хлопкового масла	192
Камалова М.Б., Аманова З.М., Азимов У.Н. Миллий таомларнинг сифат хоссаларини таҳлили	194
Мамасалиева М.И. Состояние топливно-энергетических ресурсов и их рациональное использование в АПК Республики Узбекистан	197
Машарипов Ш.Р., Саттарова О.А., Матюсупова Н.Д. Особенные траектории рассеянных ионов ступенчатой поверхности полупроводниковых монокристаллов типа A^3B^5	200
Ниёзова Р.Н. Повышение предела прочности кожи в результате жирования	203

кўриш мумкин[10, 202]. Аммо, ушбу маълумотни хато ёки дезинформация сифатида баҳолаш ҳам мумкин. Тарихий манбаларда ушбу икки шахзода Абдураҳмонхоннинг биринчи хотини Вахон ўлқасидан бўлган тожик аёлидан туғилган фарзандлари бўлиб, ҳар иккаласи Абдураҳмонхон Самарқандда муҳожирлик вақтида туғилганлиги, Ҳабибуллоҳон 1872 йил, Насруллоҳон 1874 йилда туғилган бўлиб, aka-укалар иккаласи ўртасидаги муносабатлар иноқ ва аҳил эканлиги кўп бора тилга олинган[8, 79]. Аммо, инглиз-ҳинд матбуот органлари эҳтимол тарқалган нотўғри маълумотлар ёки бошқа бир мақсадда бир неча бора Ҳабибуллоҳон ва Насруллоҳон ўртасида зиддият мавжудлигини кўрсатишга ҳаракат қиласиганлар. Масалан, The Pioneer газетасининг 1909 йил сўнгти сонида Афғонистон амири Ҳабибуллоҳоннинг укаси сардор Насруллоҳон томонида Россия-Афғонистон чегаралари атрофига варақалар тарқатгани, варақаларда Ҳабибуллоҳонни амир сифатида тан олмасликни тарғиб қилаётганлигига оид маълумотларни тарқатганлар[1, 84].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, 1907 йилги рус-инглиз муносабатлари ва дунёда мавжуд сиёсий қарма-қаршиликларни бир қадар пасайишига ва Марказий Осиё минтақасида “Тинчлик”ни сақланиши кафолати бўлсада, Афғонистон давлатида ижтимоий ғалаёнлар ва бир қатор давлат тўнтириши билан боғлиқ жараёнларни вужудга келтирган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Вести об Афганистане // Туркестанский сборник. Том 518. – 84-85.
2. К заговору против эмира Афганского. // Туркестанский сборник Том 507. – С. 103-105.
3. Заговор Против Афганского эмира. // Туркестанский сборник Том. 508. – С. 197-198.
4. Калькутта. // Туркестанский сборник Том 465. – С. 73-75.
5. О контрабандном провозе оружия в Афганистан. // Туркестанский сборник. Том 469. – С. 166.
6. Положение в Афганистане. // Туркестанский сборник том 465. – С. 57-59.
7. Придворная жизнь в Кабуле. // Туркестанский сборник. Том 436. – С. 76-78.
8. Родословная эмиров Афганистана. // Туркестанский сборник. Том 436. – С. 78-79.
9. Сергеев Е.Ю. Большая игра, 1856-1907: мифы и реалии российско-британских отношений в Центральной и Восточной Азии. — М.: Товарищество научных изданий КМК, 2012. – 454 с.
10. Слухи о плениении эмира Афганского. // Туркестанский сборник Том 494. – С. 202.
11. События на Индо-Афганской границе. Туркестанский сборник Том 466. – С. 9-12.
12. Старый Дипломат. Англия и Россия в Средней Азии. Том 438. – С. 96а-113а.
13. Япония об Англо-Русском договоре. // Туркестанский сборник. Том. 444. – С. 103.

УЎК 66.017.83

ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА МИЛЛИЙ ЗИЁЛИЛАР ВА БОЛЬШЕВИКЛАР ЎРТАСИДАГИ МАФКУРАВИЙ КУРАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

O.P. Рашидов, PhD, доц., Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Мазкур мақола Ўзбекистон ҳудудида миллий зиёлилар ва большевиклар ўртасидаги мафкуравий курашнинг назарий асосларига багисланади. Бунда собиқ имтироқ даврида ўзбек зиёлилар шигари сурган қарашлар буржуса, майдо буржуса, либерал буржуса, идеалистик, клерикал (диний) каби меҳнаткаши халқقا ёт ва душман гоялар сифатида қораланиб келинганлиги таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: инқилобий кураши, синфиий кураши, пролетариат ва буржуазия ўртасидаги кураши, партиявий кураши, мафкуравий кураши, дастур, партия, большевик, миллий зиёлилар, жадидичилик, миллатчилик, шовинизм.

Аннотация. Данная статья посвящена теоретическим основам идеологической борьбы между национальной интеллигенцией и большевиками на территории Узбекистана. Анализируются взгляды узбекской интеллигенции в бывшем союзе как буржуазные, мелко буржуазные, либерально-буржуазные, идеалистические, клерикальные (религиозные) и чуждые для трудаящимся.

Ключевые слова: Революционная борьба, классовая борьба, борьба пролетариата и буржуазии, партийная борьба, идеологическая борьба, программа, партия, большевик, национальная интеллигенция, джадидизм, национализм, шовинизм.

Abstract. This article is devoted to the theoretical foundations of the ideological struggle between the national intelligentsia and the Bolsheviks on the territory of Uzbekistan. The views of the Uzbek intelligentsia in the former Soviet Union are analyzed as bourgeois, petty bourgeois, liberal-bourgeois, idealistic, clerical (religious) and alien to the working people.

Key words: Revolutionary struggle, class struggle, struggle between the proletariat and the bourgeoisie, party struggle, ideological struggle, program, party, Bolshevik, national intelligentsia, Jadidism, nationalism, chauvinism.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида: “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас”[1] – деб белгиланган. Совет мустабид тузуми даврида ўзбек ҳалқи коммунистик мафкура таъсирида бўлиб, бунга қарши дастлаб яширин ва кейинчалик очикдан-очиқ ғоявий кураш олиб борилди. Пролетариат мафкурасига қарши курашган кўплаб ўзбек зиёлилари большевиклар томонидан қатағон қилинди. Мазкур мақолада миллый зиёлилар томонидан большевиклар мафкурасига қарши олиб борилган курашнинг назарий асослари илмий жиҳатдан таҳлил қилинади.

Мафкуравий кураш тушунчаси турли ғоявий қараашлар, ёндашувлар, хилма-хил маслак ва мақсадларга эга ижтимоий субъектлар ўртасида юзага келадиган, қарама-қаршиликка асосланган муносабатни ифодалайди. У янги шаклланаётган ғоялар билан ўз “вазифасини” бажарib бўлган мафкура ёки унинг қолдиқлари ўртасидаги муносабат шаклида ҳам содир бўлиши мумкин. Шу билан бирга, мафкуравий кураш муайян ғояларни сингдириш ёки ҳимоя қилиш жараёнини ҳам англатади [2].

Собиқ Шўролар Иттифоқида XX асрнинг 30-йилларга келиб, ишчлар синфи мафкураси, кўпполлаштирилган ва соддалиштирилган марксизм-ленинизм таълимоти – ягона илмий, энг адолатли, жамиятдаги барча синф ва ижтимоий қатламлар манфаатларини ифода этувчи мафкура, - деб эълон қилинди. Ўзининг моҳияти ёхуд бирон бир жиҳати билан ундан фарқ қилувчи ғоялар буржуа, майда буржуа, либерал буржуа, идеалистик, клерикал (диний) мафкуралар меҳнаткаш ҳалққа ёт ва душман ғоялар сифатида қораланиб, уларнинг эгалари (масалан: троцкийчилар, бухаринчилар, “Ишчи оппозиция” тарафдорлари ва бошқалар) каттиқ таъкиб қилиндилар (қамалдилар, қамоқ лагерларига жўнатилдилар, сургун қилиндилар, кўплари отиб ташландилар). Оқибатта милионлаб кишилар мутелиқ, лоқайдлик, сиёсий ташаббуссизлик, бокимандалиқ, миллый маҳдудлик, ўзга ғояларга ётқарашиб руҳияти шаклланди, жамиятнинг маънавий ривожига, илм-фан равнақига жиддий путур етказилди [3].

Туркистонда миллый зиёлилар илгари сурган истиқбол мафкураси большевиклар томонидан инкор этилди. Чунки, бир томондан, миллат мавжуд экан, миллый истиқбол мафкураси ҳам мавжуд бўлиши табиий жараён. Ўзбекистон совет давлати таркибидан бўлганлиги учун миллый мафкура ҳакида илмий изланиш олиб бориш эмас, бу борада гапиришга ҳам изн берилмас эди. Бундай тадқиқотлар миллый ҳиснинг, миллый онгнинг, миллый ғуурурнинг ўйғонишига, мустаҳкамланишига олиб борар эди. Шу сабабли, миллый мафкура мустақил мавзу сифатида ишланмади, у ҳамма вақт байналмиллал мафкура, умумсовет мафкураси, коммунистик мафкура, ишчилар синфи мафкураси каби мавзуларга, кўпинча сунъий равищда бўлса ҳам тиркаларди.

Большевиклар миллый мафкурага қарши “инқилобий кураш”, “синфий кураш”, “пролетариат ва буржуазия ўртасидаги кураш”, “партиявий кураш” каби ғояларни ўртага ташладилар. Улар марксизм-ленинизм ғояларига амал қилиб, капитализмни ағдариб ташлаш орқали ишчилар синфи сиёсий ташкилотининг янги, янада мукаммалроқ типини яратиш асосида коммунистик жамият қуриш йўлида кураш олиб бордилар. Мафкуравий соҳада коммунистларнинг сиёсий ўқиши ва онгини ошириш, марксизм-ленинизм назариясини ўрганиш орқали партия сафларини жипслаштириш ва унинг бирлигини мустаҳкамлашга эътибор қаратилди. Натижада коммунистик партия барча соҳада ўзининг мутлоқ ҳукмронлигини ўрнатди. Партия инқилобий назариянинг соғлигини, унинг туб, принципиал асосларини ҳимоя қилиш ҳамда ушбу назарияни бузиш ҳолларига қарши каттиқ курашди.

1918 йил 6 марта Петраградда большевиклар партиясининг фавқулодда VII қурултойи бўлиб ўтади. Унда Ленин маъруза қиласи ва партия Россия коммунистлар (большевиклар) партияси деб аталади[4]. Россияда большевиклар ҳокимиятни эгаллагач, якка ҳокимлик яъни тоталитар бошқарувни жорий қилиш учун бошқа партияларни йўлдан олиш ва уларни бошқарувдан супуриб ташлаш йўлини танладилар. Улар бошқа партия вакилларини оғмачилар, иродасизлар, капиталга ёрдам бериш йўлига тушганлар ва уларнинг вадаларига учганлар йўқолсин деб чиқдилар.

Кафказда совет тузумига қарши кураш олиб борган “Мусовот”нинг бошлиқларидан Аминбек Расулзода ўзининг китобида большевиклар мафкурасига шундай таъриф беради: Ленинизм ғояси ишчиларнинг “космополитизм”[5] деган бир маслагидир. Биринчи, рус бўлмаган миллатларни руслаштириш йўли билан бутун Русияни бир ҳудуд қилишни истайди. Йиккинчиси, миллый томири кувватланиб етмаган заиф миллатларнинг миллият фикрини ўлдириш йўли билан бутун Русияни миллатсиз бир ҳолга қолдиришга (динатциялизм қилишга) тиришадир [6].

Туркистон зиёлилари, маърифатпарварлари коммунистик партиянинг мафкурасини яхши англар эдилар. Тараққийпарварлар мумкин қадар большевикларнинг бузғунчи мафкураларини миллый манфаатга тўғри келмаслигини тушунтиришга ҳаракат қилганлар. Туркистон жадидлари

отаси Маҳмудхўжа Беҳбудий матбуотда ўзининг қарашларини баён этиб борган. У Коммунистик партияси (Иштирокион фирмаси) ни иккига бўлади. Социал-демократ (“иштирокиони оъмион”), социал-революционер (“иштирокиони инқилобион”). Ҳар иккисининг ўз олдига қўйган асосий мақсади мавжуд “барча қонун, мулкият қоидаларини бутун бузиб, мол ва ерларни ҳамма ҳалойик ўртасида муштарак қилмоқ”, “бойлик ва камбағалликни йўқ қилиб, дунё моли роҳатидан ҳаммани баробар фойдалантирумoque...” Мазкур ғоя амалга ошиши мумкин эмас, чунки у ғайриилмийдир, ғайриахлоқийдир, бинобарин, ғайриинсонийдир. Беҳбудий коммунистларнинг ҳаракатлари, дастурлари, мақсадларини “хаёлий” деб баҳолайди ва “бу тоифага қўшилмоқ биз мусулмонлар учун ниҳоятда заарлиқдир”, “программалари..., оила бобидаги фикрлари ҳам асло-асло тўғри келмайдир...” [7] деб таъкидлаган.

Большевиклар мафкурасидан ҳали улар ҳокимиятни тўлиқ эгаллаб улгурмаган бир пайтда жадид маърифатпарварларига аён бўлган эди. Абдурауф Фитрат Мусо Сайджоновга жадидчилик ғояларининг асосчиси Исмоилбек Гаспиринский қаламига мансуб “2000 – сана” фантастик романини ўқиш учун беради. Романда 2000 йилга келиб жаҳоннинг барча мамлакатларида демократик жамиятлар тинч йўл билан қарор топиши, адолат ва тенглик юзага келишини башорат қилган эди. Россия, Германия, Эрон, Туркия ва бошқа мамлакатларда социалистлар синфиий қуаш ғоялари билан милионлаб кишиларнинг онгини заҳарлаётган бир пайтда Гаспиринский мақбул йўлни таклиф қилмоқда эди: “Социализм меҳнатда синалган қардошлиқдан бошқа, на динни, на ирқни, на миллатни, на тилни тан олади. Уларнинг шиори ва мақсади: “Бутун дунё пролетарлари бирлашингиз”. “Социалистлар” ва “социал-демократ”ларнинг “Адолат”, “Мусовийлик” ҳақидаги шиорлари ташқаридан жимжимадор, кишини маҳлиё қилувчи бўлиб кўринади. Аслида бу назария уни туғдирган сабабларга мувофиқ иш тутади, инқилобий қуашга, кон тўкишга чакиради... Лекин бунинг учун жаҳон тартибини бузмоққа хожат йўқ, акс ҳолда бундан ҳам катта мураккабликларга дуч келинади. Ҳар бир кишининг иш ва осойишталигини таъминламоқ зарур. Аммо, бу мутлақо бириникини мусодара этиб, иккincinnisiga бериш, дегани эмас... турли кишиларнинг ақли, кучи, қобилияти турлича, шунинг учун ҳам ҳар ким ўз имкониятига қараб йигинади... Энди шунинг бари кишиларга тенг бўлинади, дейдилар. Бу қандай тенглик бўлди? Бунда адолат борми? Мамлакат ва жамиятни “казарма”га айлантириб, ҳар бир кишини умумий емакхонага таклиф этармишлар...” [8].

Туркистанда миллий зиёлилар томонидан келажакда биринчиси радикал миллий, иккincinnisи социалистик бўлган иккি партиялик тизимда идора этиш ғояси бўлган. А. Валидий радикал миллий партия сифатида “Эрк” ва жидидларнинг “Тараққийпарварлар” партияларини келтириб ўтган. 1921 йили Бухородаги музокараларда “Эрк” партиясининг 27 моддадан иборат дастури тўққиз моддага қисқартирилган. Жидидларнинг “Тараққийпарварлар” партияси 19 банддан иборат дастури қабул қилинган. Ушбу дастурнинг биринчи бандида шундай сўзлар келтирилган: Миллий маданиятга эга бўлиб, мустақил миллат сифатида яшамоқ ҳаётнинг туб асоси бўлиши керак. Бу барча миллатларнинг эзгу орзуидир. Мақсадимиз Туркистанда мустақил ва миллий ҳукумат тузишdir. Миллат тил, дин, адабиёт, урф-одат, анъаналар яхлитлигига таянади [9].

Туркистон АССР Халқ комиссарлари кенгашида совет ҳокимиятининг миллий сиёсати империалистик давлатларнинг мустамлакалардаги «ерли (маҳаллий)» сиёсатидан кескин фарқ қилиши ҳақида билдирилган фикрларда тенглик принципларига амал қилинмаса маҳаллий аҳоли озодлик учун қуашни давом эттириши таъкидланган: “Большевиклар миллий сиёсати томонидан берилган ҳукуқлар ўзини ўзи бошқариш ва ҳаттоқи ерли аҳоли вакилларининг мамлакатни бошқаришдаги кенг иштироки иқтисодий фаровонлик ҳамда маданий ривожланишнинг ортиб бориши туфайли аҳоли вақтинча таскин топиши мумкин. Лекин булар бўйсунадиган одамнинг маънавий сиқилганлик ҳиссини ва ўз ҳукуқларини янада кенгайтириш учун қуашни йўқ қила олмайди” [10].

Совет ҳокимиятининг зўравонлик билан ўзининг ҳокимитини ўрнатиши миллий кадрлар, зиёлилар ва кенг халқ оммасининг умумий норозилигига сабаб бўлган. Туркистон зиёлилари большевикларнинг яккаҳокимлик сиёсатини, давлат бошқарувида маҳаллий кадрлар хоҳий-иродасининг эътиборга олимаслигини, бу эса мустакачилиқдан бошқа нарса эмас эканлигини очик айтадилар. Улар мустамлакачиликка қарши олиб борилган қуролли қуаш ёки мафкуравий қуашнинг мавжуд бўлиши табий жараён эканлигини билдиргандлар: “Мустамлака ва метрополия ўртасидаги асосий зиддият маҳаллий сиёсат чора-тадбирлари туфайли қисқармайди. Бўйсунадиган кишининг индивидуал ва миллий эркинликка интилишининг психологик асоси, унча мустаҳкам ва фойдаси кам бўлса ҳам, инсоннинг ажралмас хусусиятидир. Энг яхши бошқарувга қарамасдан бўйсунадиган киши ва ҳукмронлик қилувчи киши ўтасидаги қарама-қаршилик муқаррардир” [11].

Ўзбекистонда бაъзи зиёлилар миллий буржуазияга асосланган давлат тузиш учун қуашаётганлиги, бу қуаш миллий низоларнинг кучайишига сабаб бўлаётганлиги партия

йигилишларида кенг муҳокама қилинган. Бу кураш аввало умумий миллий ғояни синфий манфаатларга қарши қўйишда, йўқсуллар ҳокимиятини инкор қилишда ва бошқа шундай ҳаракатлардан намоён бўлаётганлиги қайт этилади[12]. Большевиклар мафкурасида ўзга фикрловчилар синфий душман деб эълон қилиниб, ҳар қандай уриниш аксилинқилобий ва аксилишўровий ҳаракат деб баҳоланди.

Миллий зиёлиларни ўзида бирлаштирган жадидчилик ҳаракати большевикларнинг кескин қаршилигига учради. Жадидчилик аксилинқилобий ҳаракат деб аталиб, панисломизм, пантуркизм ғояларини ўзида ифодалаган деб унга қуйидагича баҳо берилди: Туркистонда демократик ҳаракат билан бир қаторда “миллий туйғуларнинг” авж олиши натижасида реакцион ҳаракат бўлган буржуа миллатчилиги ҳаракати ҳам ўсиб борди. “Ислом динини ислоҳ қилиш” шиори остида ривожланиб борган шу буржуа миллатчилиги ҳаракати “жадидизм” деб аталарди. Жадидизм панисломизм ва пантуркизм билан чамбарчас боғланган эди. Панисломизм XIX асрда “мусулмон Шарқи” мамлакатларида кўтаришган миллий-озодлик ҳаракатининг феодал-клерикал доираларга қилган таъсири натижасида шу доиралар ичидаги диний-сиёсий оқим сифатида пайдо бўлган эди. Панисломизм кетидан Туркияда пантуркизм пайдо бўлди. Конституцион монархия тарафдорларининг “Иттиҳод ва тараққий” номидаги партияга бирлашган ёш турклар пантуркизмнинг идеологлари эди. Бу партия турк буржуазияси ва помешчикларининг манфаатини ифода қиласа ва учига чиққан шовинистик сиёсат юргизарди. Буржуа миллатчилиги мафкурасини тарғиб қилган бу партия туркий тилларда гапирадиган барча халқларни турклар ҳукмронлигига бўйсундиришни ўзига мақсад қилиб қўйган эди [13].

Янгиликка интилган жадидлар жамиятни янги босқичга кўтаришда инқилобий ўзгаришларни ҳам инкор этмаган эдилар. Жадид мафкурачилари жамият ҳаётидаги ҳар қандай ўзгариш – олға силжиш, ўқиши – маърифат орқали амалга ошади деган нуқтаи назарда турганлар. Шундай экан, ҳали ишчилар синфи тўла шаклланмаган ва марксизм тарқалиб улгурмаган бир ўлкада янгиланиш керак, бунинг учун маърифатли бўлиш керак эди. Большевиклар вазият билан ҳисоблашмасдан жадидларни реакцион оқимга чиқариб қўйдилар.

XX асрнинг 30-йилларида эълон қилинган қатор мақола ва китобларда биринчи галда жадидлар қораланар, кейин бу оқим Абдулла Қодирий номига боғланарди. Ж.Шарифий, Олим Шарафиддинов мақолаларида жадидлар “аксилинқилобчи”, “Советларга қарши”, “Реакцион кучларни бирлаштирган”, “босмачиларга раҳнамолик қилган” деган уйдирмалар тўқиб чиқарилдилар [14].

Жадидлар эски диний мактабларга дунёвий фанлар киритиш ва ўқитиш методикасини ўзгартириш йўли билан уларни ислоҳ қилдилар. Большевиклар ушбу ислоҳотни юзаки расмий ислоҳот деб, унинг мафкурачиларини дунёвий фанларни динга бўйсундиришда айбладилар. Шунингдек, янги усул жадид мактаблари буржуа миллатчилиги руҳи билан сугорилган деб топилди. Совет даврида ёзилган адабиётларда жадидлар фаолиятига шундай баҳо берилган эди: “Жадидлар самодержавиега ҳам қарши курашмас эдилар, улар подшо хукумати билан муроса қилиш сиёсатини юргизар эдилар; кейинчалик улар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ашаддий душманлари бўлдилар”[15].

Большевиклар мафкурасига қаршилик нафакат Ўзбекистондаги зиёлиларда балки инқилоб маркази ҳисобланган Россиянинг ўзида ҳам мавжуд эди. Айниқса, муҳолиф марралар большевизм мафкурасининг иқтисодий томонларига кескин қарши эдилар. Фуқаролар қўлидаги мол-мулк, ер ва бойликлар зўравонлик билан, янада аникроқ айтганда пролетариатча хужум натижасида тортиб олинган эди. 1925 йил партия Марказий қўмитаси ўша вақтда Бухарин майдонга айтган ва “Комсомолская Правда” ёқлаб чиққан “бой бўлингиз” ишларини Сталин ташаббуси билан қоралаган эди. Сталин айтишича бу нарса “аслида капитализмни тиклашга чакириш” эди [16].

Мафкура яккаҳокимлиги собиқ иттифоқчи республикаларда, жумладан, Ўзбекистонда халқларни тобелиқда саклашни таъминлашга, ўз тарихини унутиб юборишга, она тилидан узоқлашишга, миллий маданиятни бир томонлама ривожланишига хизмат қилди. Шундай шароитда халқимизнинг маънавияти ва ҳар қандай фикр-ўйлари, интилиши кўпинча буржуа миллатчилиги ғоялари, аксилинқилобий ҳаракатлар тариқасида баҳоланди. Халқимизнинг ўз ватандошларини озодликка, миллий тараққиётга чорлаган жадидлар ҳаракатининг раҳбарлари Махмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир каби ўнлаб-юзлаб фарзандлари, Файзула Хўжаев, Акмал Икромов, Тураг Рисқуловдек кўплаб атоқли давлат ва жамоат арбоблари мафкура яккаҳокимлигига асосланган истибдоднинг қурбони бўлдилар [17].

Хуроса қилиб айтганда, миллий зиёлилари большевиклар томонидан буржуазиянинг вакили бўлганликда, уларнинг ёзган асарлари буржуазияни идеаллаштиришда ҳамда миллатчиликни тасвирлашда айбланди. Аксарият миллий кадрлар ва зиёлилар очиқдан-очиқ аксилинқилобчилар

томонига ўтганлиги, советларга қарши курашиб, “босмачиликни” ташкил этишда ва ҳар қандай бўлсада ишчи-дехқон хукуматини йикитиши фикрида бўлғанлигини билан большевикларга катта мафкуравий хавф солғанлиги келтирилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitusiyasi. – Toshkent: O'zbekiston, 2019. – Б.6.
2. Назаров Қ. Гоялар фалсафаси. – Тошкент: Академия, 2011. –Б.175.
3. Мустақиллик: Изоҳи илмий-оммабоп лугат // Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Ф.Абдуллаева ва бошқ. Тўлдирилган учинчи нашри. – Тошкент: Шарқ,2006. –Б.179-180.
4. Владимир Ильич Ленин (ҳаёти ва фаолияти ҳакида қисқача очерк). – Тошкент: ЎзССР давлат нашриёти,1946.-Б.226.
5. Космополитизм – (юонча kosmopolites-космополит, дунё фуқароси) дунё фуқаролигини даъво қилиш, шунингдек, миллий ва давлат суверенитетини рад этиш, турли миллий анъана, маданият ҳамда ватанпарварлик туйгусидан воз кечиш гоясини илгари сурадиган қараш. Қаранг: Qilichev R. Milliy g'oya va mafkura: asosiy tushuncha va atamalar. – Buxoro: Durdona, 2013.-В.113.
6. Қора маёклар (Большевизм – шовинизм) // Қизил Ўзбекистон. 1926 йил 4 феврал 29-сон.
7. Қосимов Б. Миллий уйгониши: жасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: Маънавият,2002.-Б.122-123.
8. Наимов Н. Маърифатга бахшида умр: тарихий қисса. – Бухоро:Дурдона, 218.-Б.62-63.
9. Ахмад Заки Валидий Тўғон. Хотиралар: Туркистонда мустақиллик ва озодлик учун курашлар тарихи. Таржимон, илмий таҳрир муаллифи ва нашрга тайёрловчи М.Абдураҳмонов. – Тошкент: Истиқлол нури,2014.- Б.340-341.
10. ЎзРМА, 26-фонд, 1-рўйхат, 66-йигма жилд, 9-варак.
11. ЎзРМА, 26-фонд, 1-рўйхат, 66-йигма жилд, 9-10-вараклар.
12. Мафкура майдонида (Икромов майрузаси бўйича чикарилган карор) // Қизил Ўзбекистон. 1926 йил 5 май. 99-сон.
13. Қориниёзов Т.Н. Совет Ўзбекистони маданияти тарихидан очерклар. – Тошкент:Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси,1956. -Б.99-100.
14. Кўшжонов М. Қодирий – эрксизлик курбони. – Тошкент: “Фан”,1992. – Б.56.
15. Қориниёзов Т.Н. Совет Ўзбекистони маданияти тарихидан очерклар. – Тошкент:Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси,1956. -Б.99-100.
16. Ўнг муртадлар – капитализмни тиклаш тарафдори // Қизил Ўзбекистон. 1936 йил 17 декабр. 289-сон.
17. Мустақиллик: Изоҳи илмий-оммабоп лугат // Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Ф.Абдуллаева ва бошқ. Тўлдирилган учинчи нашри. – Тошкент: Шарқ,2006. –Б.179-180.

УЎК 631.67

ГУЗОР ТУМАНИНИНГ СУГОРИЛИШ ТАРИХИ ТЎҒРИСИДА *C.C. Суюнов, илмий ходим, Самарқанд археология институти, Самарқанд*

Аннотация. Уибу мақолада, Жанубий Суғднинг шарқий сарҳадида жойлашган, Гузор туманининг сугорма деҳқончилик тарихи тўғрисида янги маълумотлар келтирилган. Гузор воҳасининг сугорилиши тарихи тўғрисида дастлабки маълумотлар ўтган асрнинг 60-70 йилларида қайд қилинган. XXI асрнинг бошлари ва сўнгги 2015, 2021 йиллардаги қидиругв тадқиқотлари натижасида қўлга киритилган археологик моддий ашёлар асосида воҳа сугорилиши тарихи тўғрисида якуний холосаларга қилинди. Кеш отряди томонидан Гузор (тумани) воҳаси худудида жойлашган археологик ёдгорликлар тўлиқ рўйхатга олинди ва улар билан узвий бөглиқ бўлган воҳа сугорма деҳқончилик тарихига ойдинлик киритилди. Жанубий Суғднинг шарқий худудида жойлашган Гузор туманида, турли даврларда, сугорма деҳқончилик майдонларининг ўзгариши жараёнлари таҳлил қилинди. Шу билан бир қатордда воҳа деҳқончилик майдонларининг чегараларига аниқлиқ киритилди. Холоса қилиб айтганда, Гузор туманида асосан илк ўрта асрларда, бошқа даврларга нисбатан сугориладиган ер майдонларининг бир неча марта ортганлиги кузатилди.

Калим сўзлар: Жанубий Суғд, сугорма деҳқончилик, Гузордарё, ирригация, эски ўзан, сунъий сугории тармоғи, Пачкамар, вегитация даври, Ўрадарё, Ҳисор, Ҳузорруд, Кўргонча, Искифагн, Ҳўжса Бузург, Шулликтепа.

Аннотация. В данной статье представлены новые сведения об истории орошаемого земледелия в Гузарском районе, расположенному на восточной границе Южного Согда. Первые сведения об истории орошения Гузарского оазиса зафиксированы в 60-70-х годах прошлого века. Окончательные выводы об истории орошения оазисов сделаны на основании археологического материала, полученного в результате исследований начала XXI века и последних 2015, 2021 гг. Кешикий отряд полностью зарегистрировал археологические памятники, расположенные на территории Гузарского (районного) оазиса, и разъяснил тесно связанную с ними историю орошаемого земледелия в оазисе. В Гузарском районе, расположенному в восточной части Южного Согда, проанализированы процессы смены орошаемых сельскохозяйственных угодий в разные периоды. В то же время были уточнены границы сельскохозяйственных угодий оазиса. Таким